

11. Кинг Б. Банк 2.0. Как потребительское поведение и технологии изменят будущее финансовых услуг. / [Пер. с англ. М.Мацковской]. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2012. – 512 с.
12. Гальпер Мария Андреевна. Трансформация банка в условиях глобальной неустойчивой среды. Специальность 08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. С. 19.
13. Управление стратегией – залог успешного развития и выживания банка на рынке. // Best Practice. Банковское обозрение. 2018. [Электронный ресурс] – URL: <https://bosfera.ru/bo/upravlenie-strategiey-zalog-uspeshnogo-rазвития-i-vyzhivaniya-banka-na-rynke> (дата обращения 28.03.2019г.).
14. Бизнес-модель: виды, примеры и построение. // Генеральный директор. [Электронный ресурс]. – URL: <https://www.kom-dir.ru/article/1811-biznes-model> (дата обращения: 21.02.2019).
15. Банковская система при переходе к цифровой экономике. Текст: электронный. // Официальный сайт Торгово-промышленной палаты РФ. – URL: <https://tpprf.ru/ru/mobile/interaction/experts/comments/245746/> (дата обращения: 02.02.2020).
16. Электронный. // Официальный сайт консалтинговой компании Forrester Group. – URL: <https://www.forrester.com/report/Banking+Of+The+Future+How+Banks+Will+Use+Digital+Capabilities+To+Remain+Competitive/-/E-RES115648>.
17. Жданович В.В. Трансформация банковского регулирования в условиях развития цифровых технологий в России. / О.С.Рудакова, В.В.Жданович. // Банковские услуги. 2020. № 7-8. С. 11-21. ISSN 2075-1915.
18. Официальный сайт консалтинговой компании McKinsey. – URL: <https://www.mckinsey.com/business-functions/mckinsey-digital/our-insights/six-digital-growth-strategies-for-banks> (дата обращения: 22.01.2020).
19. Официальный сайт американской финтех-компании Movenenterprise. – URL: <https://movenenterprise.com>.
20. Электронный. // Официальный сайт консалтинговой компании McKinsey. – URL: <https://www.mckinsey.com/business-functions/mckinsey-digital/our-insights/six-digital-growth-strategies-for-banks>.
21. Официальный сайт канадской финтех-компании Securekey. – URL: <https://securekey.com>.
22. Kullman, A. The Orange Code: How ING Direct Succeeded by Being a Rebel with a Cause = Оранжевый код: Как ING стал «бунтарем». / A. Kullman. // Academic Press, 2018. Р. 126-167. ISBN – 978-0-470-53879-1.
23. <https://econs.online/articles/opinions/tsifrovizatsiya-i-budushcheye-bankov-tri-stsenariya/>.
24. Цифровая Россия: новая реальность. / А.Антекин, В.Калабин, В.Клинцев, Е.Кузнецова, В.Кулагин, И.Ясенович. // Июль 2017 года. Digital/ McKinsey. С. 31.
25. Allchin C. et al. When vision and value collide: The state of the financial services industry 2020. New York: Oliver Wyman; 2020. 33 p. URL: <https://www.oliverwyman.com/content/dam/oliver-wyman/v2/publications/2020/january/Oliver-Wyman-State-of-the-Financial-Services-Industry> - 2020.pdf;
26. Marous J. Innovation in retail banking. Paris: Efma; 2020. 88 p. URL: <https://www.efma.com/study/5227-innovation-in-retail-banking-report-2020>.
27. Fintech 2019. Годовое исследование рынка финансовых технологий в России. // Bloomchain [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://bloomchain-cdn.s3.amazonaws.com/uploads/wp-content/pdf/Fintech2019.pdf>.
28. <https://ictnews.uz/07/08/2019/unired/>.
29. <https://autogear.ru/article/384/621/teoriya-skinnera-soderjanie-osnovnyie-tezisyi-osobennosti/>.
30. <https://uz.sputniknews.ru/20190823/Elektronnyy-mirab-dlya-vodnykh-resursov-Uzbekistana-12292788.html>.
31. <https://www.spot.uz/ru/2021/12/14/fintech/>.
32. <https://kapital.uz/cloud-market-prospects/>.
33. <https://www.vedomosti.ru/finance/blogs/2019/06/27/804788-bankovskaya-ekosistema>.
34. <https://gubkin.uz/ru/sveden/1501/cifrovaya-ekonomika-i-analiz-cifrovizacii-deyatelnosti-bankov-uzbekistan>.
35. <https://review.uz/oz/post/raqamlı-iqtisodiyot-sohasida-qanday-ozgarishlar-roy-berdi>.
36. <https://kapital.uz/cloud-market-prospects/>.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИКРОКРЕДИТ
ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

**Назарова Муслима Назаровна
ТДИУ Молия ва бухгалтерия ҳисоби
кафедраси катта ўқитувчиси**

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a8

Аннотация. Ушбу мақолада нобанк кредит ташкилотлари ҳақида тушунчалар, уларнинг ҳуқуқий асослари ҳамда республикамизда фаолият олиб бораётган микрокредит ташкилотларининг фаолияти маълумотлари таҳдил қилинган.

Калим сўзлар: нобанк, кредит, микрокредит, қарз, микрокредит ташкилоти, банк, хизматлар, микромолиялаш, қонун, меъёрий ҳужжатлар, ҳуқуқ, маблағ, фаолият.

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ МИКРОКРЕДИТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И АНАЛИЗ ИХ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ

Назарова Муслима Назаровна
старший преподаватель кафедры
“Финансы и бухгалтерский учет”

Аннотация. В данной статье анализируются понятия небанковских кредитных организаций, их правовая база и информация о деятельности микрокредитных организаций, действующих в стране.

Ключевые слова: небанковский, кредит, микрокредит, долг, микрокредитная организация, банковское дело, услуги, микрофинансирование, право, нормативные акты, право, финансы, деятельность.

LEGAL FRAMEWORK FOR MICROCREDIT ORGANIZATIONS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND ANALYSIS OF THEIR CURRENT STATE

Nazarova Muslima Nazarovna
TSUE “Finance and Accounting”
Senior Lecturer of the Department

Annotation. This article analyzes the concepts of non-bank credit organizations, their legal framework and information on the activities of microcredit organizations operating in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: off-bank, credit, microcredit, loan, microcredit organization, banking, services, microfinance, regulations, law, finance, activity.

Кириш. Мамлакатимизда молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш ва аҳолининг асосий молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган банклар билан бир қаторда нобанк кредит ташкилотлари ҳам микромолиявий хизматлар кўрсатиб келмоқда. Иқтисодиётнинг бир маромда ривожланишида нобанк кредит ташкилотларининг молиявий хизматлари аҳамияти катта бўлиб, улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, аҳолини қўллаб-қувватлашда банклар қатори микромолиявий хизматлар кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш борасида Президентимиз ташаббуси билан олиб борилаётган сиёsat банк-молия секторини ислоҳ қилиш орқали кредит ташкилотларининг молиявий оммабоплигини оширишга қаратилган. Бу борада тижорат банклари билан бир қаторда нобанк кредит ташкилотларини ривожлантириш масаласи Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожатномасида ҳам ўрин олган. Тижорат банклари доим ҳам кичик ҳажмдаги кредитлар, микроқарзлар ёки қисқа муддатли кредитлар беришга қизиқиш билдиравермайди. Шундай экан, бундай ҳолатларга, албатта, нобанк кре-

дит ташкилотлари ўз хизматларини беминнат кўрсатади. Айниқса, бугунги кунда кредитга бўлган эҳтиёж ортиб бораётган бир даврда микрокредит ташкилотлари ўзларининг оммабоп хизматларини сифатли кўрсатиши айни муддаодир.

Микрокредит ташкилотлари микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ташкилот ҳисобланади [3]. Микрокредит ташкилотлари нафақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш, балки аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш лозим бўлган қатламига ҳам ўзининг молиявий хизматларини кўрсатиб, фаолият олиб бормоқда. Республикасида микромолиявий хизматлар кўрсатишни янада яхшилаш, албатта, нобанк кредит ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлигидан келиб чиқади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Нобанк кредит ташкилотлари бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассислар ўзларининг илмий тадқиқотларида, дарслик, ўқув қўлланма ҳамда турли хил ҳалқаро конференцияларда фикр ва муҳозаларини келтириб ўтишган. Улар томонидан нобанк кредит ташкилотларининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва уларнинг банклардан фарқи, нобанк кредит ташкилотларининг аҳоли даромадларини

оширишдаги аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

Россиялик иқтисодчи олим Е.Ф.Жуковнинг “Банклар ва нобанк кредит ташкилотлари, уларнинг операциялари” номли дарслигида нобанк кредит институтларининг Россия ва бир қанча хорижий давлатлардаги фаолияти кўриб чиқилган бўлиб, унда, асосан, Россия давлати нобанк кредит ташкилотларининг кенг доирадаги актив ва пассив операцияларининг бошқариш механизмлари ҳамда кўрсатилаётган бошқа турли хил молиявий хизматлар ҳақида маълумотлар кўрсатилган [5].

Професор Т.Каралиевнинг умумий раҳбарлиги ва таҳрири остида “Банк иши” дарслигида таъкидланишича, молия-кредит ташкилотлари сифатида инвестицион компаниилар ёки трестлар, молиявий (холдинг) компаниилар, суғурта компаниялари, пенсия жамғармалари, жамғарма кассалари, ломбардлар, кредит кооперациялари (уюшмалари), ипотека компаниялари, факторинг компаниялари, траст компаниялари, маълумотларни қайта ишлаш компаниялари, лизинг компаниялари, микрокредит ташкилотлари, омонат, ссуда бериш билан шуғулланувчи ассоциациялар кабиларнинг фаолияти ҳамда республикамизда фаолият юритаётган нобанк кредит ташкилотларидан микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг хуқуқий жиҳатлари, фаолият олиб бориш учун керакли ҳужжатларни расмийлаштириш тартиблари, уларнинг ишлаш тартиб-қоидалари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган [6].

Иқтисодчи олимларимиз россиялик иқтисодчи олимлар билан биргаликда илмий изланишлар олиб бориб, Ўзбекистон ва Россия давлатлари ва бошқа турли хорижий далатларнинг банк тизими, уларнинг ликвидилиги, банк хизматлари, операциялари, кредит ташкилотларининг фаолияти ҳамда уларнинг назарий-амалий жиҳатларини ёритиб берувчи дарслик яратилди [7]. О.И.Лаврушин таҳрири асосида Н.И.Валенцева, У.У.Азизов, Т.М.Каралиев, Э.Т.Кадировлар билан яратилган “Банк иши” дарслиги ўзбек-rossиянинг жуда бой материаллари асосида Базель келишувлари талабларига асосланган маълумотлар кўриб чиқилган.

Россиялик иқтисодчи олимлардан М.С.Марамыгина ва Е.Н.Прокофьевой муаллифлигига “Пул, кредит, банклар” номли дарсликнинг З-бобида нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида келтириб ўтилган бўлиб, уларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталган. Нобанк кредит ташкилотлари, асосан, банк қонунчилигига назорат қи-

линиши ва молиялаштириш соҳасида микрокредит ташкилотлари, ломбардларнинг аҳолига хизмат кўрсатишдаги фаолиятига эътибор қаратилган [8]. Яна россиялик олимлардан А.Е.Дворецкаянинг “Пул, кредит, банк” дарслигининг учинчи бўлими 15-бобида нобанк кредит ташкилотларининг молиявий жиҳатлари ва уларнинг фаолияти тўғрисида ёритилган [9].

Урманова Наталья Равильевна республикамизда микромолиялаш хизматларини янада яхшилаш, уларни ривожлантириш бўйича фикрлар билдириб, микромолиялаш сифатини ошириш орқали истиқболда хизматларни янада такомиллаштириш йўллари орқали иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш тўғрисида илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқсан [10].

Рахманов Илҳом Хуррамович ўзининг “Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматларни такомиллаштириш йўллари” мавзусида ёзилган номзодлик диссертациясида микромолиявий хизматлар ва уларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти ҳамда нобанк кредит ташкилотларининг банклар қатори фаол микромолиялашдаги роли ҳақида илмий фикрлар билдирилган [11].

“Юрист ахборотномаси” хуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журналида Мадумаров Талантбек Толибжоновичнинг “Микрокредит ташкилотларини қайта ташкил этиш ва тугатиш асослари ва тартиби” мавзусида мақоласи эълон қилинган бўлиб, унда муаллиф томонидан микрокредит ташкилотларини қайта ташкил этиш ва тугатиш, уларнинг тартиблари ҳақида илмий қарашлар изоҳланиб, юридик шахсларни қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган усулларда унинг фаолиятини бекор қилиш ва универсал хуқуқий ворислик асосида унга тегишли хуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқа юридик шахсга ўтиши тўғрисида батафсил фикрлар билдирилган [12].

Тадқиқот методологияси. Нобанк кредит ташкилотлари бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, республикамизда фаолият юритаётган микрокредит ташкилотлари фаолияти ўзгаришларини таҳлил қилиш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш ва аҳолининг асосий молиявий хизмат-

ларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қараштилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан молиявий оммабоплик соҳасидаги илфор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда таркибида молиявий хизматлар оммабоплигини кенгайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш, молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишини назарда тутувчи молиявий оммабопликни оширишнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқишига Жаҳон банкининг техник кўмаги жалб этилган бўлиб, микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Шу жумладан, микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4400-сонли қарори қабул қилиниши бугунги кунда нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантиришига қаратилган. Ушбу қарорга мувофиқ, нобанк кредит ташкилотлари кўрсатадиган хизматлар доираси кенгайтирилди ва микромолиявий хизматлар ҳажми оширилди [4].

Республикамизда микрокредит ташкилотлари фаолиятини кўриб чиқадиган бўлсак, бугунги кунда улар фаол равишда ишлаб келмоқда. Микрокредит ташкилотларининг сони бугунги кунга келиб 72 тани ташкил этмоқда [13].

Кредит ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, шунингдек, тижорат банкларини микромолиялаштириш жараёнларига жалб қилиш бўйича кўрилаётган чораларга қарамасдан, республикада микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмини сезиларли даражада кенгайтиришда бир қанча муаммо ва тўсиқлар мавжуд.

Хозирги кунда микрокредит ташкилотлари фаолияти “Ўзбекистон Республикаси-нинг Марказий банки тўғрисида” ва “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Марказий банкининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

Марказий банк молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда

назорат қилиш борасидаги вазифаларни амалга ошириш учун текширувлар ўтказади.

Демак, микромолиялаштириш қонунчилигини такомиллаштириш, соҳанинг энг самарали ва замонавий амалиётларини жорий этиш талаб этилади. Бу борада, айниқса, масофадан хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, хизматлар тақдим этиш жараёнини соддалаштириш, аҳолида қарз ҳажмининг ҳаддан ташқари ортиб кетишига йўл қўймаслик чораларини кўриш, молиявий оммабопликни оширишда исломий молия тамойилларини жорий қилиб бориш нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантиришнинг энг долзарб вазифалари сифатида қаралиши лозим.

Жумладан, нобанк кредит ташкилотлари ташкил этилиши ва ривожланишини таъминлаш учун лицензиялаш тартиб-қоидаларини соддалаштириш, таваккалчилик соҳаларини уларнинг имкониятларини мутаносиб равищда ҳисобга олган ҳолда тартибга солиш механизмларини жорий этиш муҳимдир. Айниқса, нобанк кредит ташкилотларининг тегишли инфратузилмалардан фойдаланишдаги имкониятларини тижорат банкларига тенглаштириш ва бу борада тенг шароитларни яратишга қаратилган қулай норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш лозим. Бу эса нобанк молия хизматларига оид маҳсулот таклифлари, шакл ва турларини, шу жумладан, исломий молия хизматларини жорий этишнинг самарали ечимларини топишга шароит яратади.

Олий Мажлис Сенатининг 24-ялпи мажлисида эса “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди ва бу қонуннинг лойиҳаси 2022 йил 17 март куни тасдиқланди. Мазкур Қонун “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Президент фармони ҳамда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастурининг ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Жорий йилнинг 20 апрелида ЎРҚ-765-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида” қонун имзоланди. Мазкур қонунда:

- нобанк кредит ташкилотларининг ўз фаолиятини молиялаштириш имкониятини кенгайтириш;

- молиявий хизматлар оммаболигини ошириш, жумладан, микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш учун хуқуқий асос яратиш;

- мутаносиб тарзда тартибга солиш натижасида нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини ортиқча тартибга солишнинг олдин олиш;

- нобанк кредит ташкилотлари хизматлари истеъмолчиларининг хуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга ўналтирилган нормалар белгиланган [2].

Қонун билан банкларнинг айрим турдаги молиявий операцияларини амалга ошириш хуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи нормалар тизимлаштирилмоқда. Марказий банк ислом молияси концепциясини ўз ичига олган нобанк кредит ташкилотлари тўғрисидаги қонунни қабул қилишни ҳам режалаштирган эди. Унга кўра, нобанк ташкилотларга кўпроқ хизматлар кўрсатиш хуқуқи берилади.

Қонун билан микрокредит ташкилотлари томонидан Марказий банкка фаолиятни бошлаганлик тўғрисида хабарнома юборилишининг тартиби, шунингдек, микромолия ташкилотлари ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларини ҳисоб рўйхатидан ўт-

казишининг ягона тартиби назарда тутилган. Бунда лицензиялаш ўрнига ҳисоб рўйхатидан ўтиш жорий қилинмоқда, ҳисоб рўйхатидан ўтиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати, уларни кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш тартиби белгиланган. Қонун қабул қилиниши натижасида микромолия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизмат турларининг кенгайтирилиши, кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларга, шу жумладан, исломий молиялаштиришга оид хизматларга бўлган талаби қондирилишига эришилади. Шу билан бирга, қонунда кўзда тутилган қоидаларда нобанк кредит ташкилотлари хизматлари истеъмолчиларининг хуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилмоқда. Хусусан, қонунчилик даражасида нобанк кредит ташкилотларининг улар кўрсатадиган хизматлар тўғрисидаги маълумотларини, шартномалар шартларига бир томонлама ўзгартириш ёки қўшимчалар киритишни таъқиқлаш тўғрисидаги талабларни, шунингдек, истеъмолчиларининг молиявий операциялари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбуриятлари белгиланмоқда. Умуман олганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши республикамизда ягона молия тизимининг тўлдирувчиси сифатида нобанк кредит ташкилотлари ривожига хизмат қиласида.

1-жадвал

Активлар миқдори бўйича гуруҳлаштирилган микрокредит ташкилотлари фаолиятининг алоҳида кўрсаткичлари (2022 йил 1 май ҳолатига)

Кўрсаткичлар номи	Жами		Активлар миқдори бўйича гуруҳлаштирилган микрокредит ташкилотлари тақсимоти							
			1 млрд. сўмгача		1 млрд. сўмдан 5 млрд. сўмгача		5 млрд. сўмдан 10 млрд. сўмгача		10 млрд. сўм ва ундан юқори	
	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма
Активлар										
Активлар, жами	71	1 519,9	0	0,0	28	93,6	15	111,0	28	1 315,3
Кредитлар ва микро-лизинг	71	1 364,6	0	0,0	28	74,5	15	90,3	28	1 199,8
Капитал										
Капитал, жами	71	770,3	0	0,0	28	74,9	15	67,0	28	628,4
Устав капитали	71	400,2	0	0,0	28	65,2	15	45,5	28	289,5
Мажбуриятлар										
Мажбуриятлар, жами	71	749,6	0	0,0	28	18,7	15	44,0	28	686,9
Олинган кредитлар ва лизинг	71	452,9	0	0,0	28	6,1	15	21,6	28	425,2

Манба: www.cbu.uz. Марказий банк расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2022 йилнинг 1 май ҳолатига кўра, микрокредит ташкилотларининг активлари миқдори 1 519,9 млрд. сўмни ташкил этган [13]. Ўзбекистонда фаолият юритаётган микрокредит ташкилотлари активлари тўғрисида маълумотни кўриб чиқадиган бўлсак, даврлар солиширилганда, уларнинг активлари ўзгаришлари анча ошганлигини кўришимиз мумкин.

Активлар миқдори бўйича гурухлаштирилган микрокредит ташкилотлари фаолиятининг алоҳида кўрсаткичларини кўриб чиқсан ҳолда фикримизни давом эттирамиз. Қўйидаги жадвалда микрокредит ташкилотлари фаолиятининг 2022 йил 1 май ҳолатига бўлган маълумотлар акс эттирилган.

Жадвал маълумотларида республика миздаги микрокредит ташкилотларининг 2022 йил 1 май ҳолати таҳлил қилинган бўлиб, активлар миқдори бўйича гурухлаштирилган микрокредит ташкилотлари тақсимоти суммаси бўйича алоҳида таҳлил қилинган. Активлар миқдори бўйича гурухлаштирилган микрокредит ташкилотлари жами 1 519,9 млрд. сўмдан 5 млрд. сўмдан 10 млрд. сумгача бўлган тақсимотида активлар суммаси 111,0 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 10 млрд. сўм ва ундан юқори тақсимотида эса 1 315,3 млрд.

сўмни ташкил этган.

Бугунги кунда мамлакатимизда нобанг кредит ташкилотлари сифатида микрокредит ташкилотлари лицензия асосида ҳамда ломбардлар Марказий банкни хабардор этиш орқали фаолиятни амалга ошироқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва маҳсус ваколатли давлат органининг ваколатли ходимлари, нобанг кредит ташкилотининг ички аудит хизмати ходимлари ва ташқи аудиторлар томонидан ўтказилган текширувлар жараёнида аниқланган ички назорат тизимининг ташкил этилиши ва унинг фаолиятидаги хато ва камчиликларнинг бартараф этилиши мониторинг қилиб борилади. Чунки ҳар бир маълумотнинг шаффоғлиги, олиб борилган операцияларнинг қонунийлиги ва ҳисоб-китобларнинг реаллиги муҳим ҳисобланади.

Микрокредит ташкилотлари жамланма балансини таҳлил қиласиган бўлсак, шуни кўришимиз мумкинки, микрокредит ташкилотлари жами активлари 2021 йилнинг 1 май ҳолати 2022 йил 1 майдаги кўрсаткичлар билан солиширилганда, қарийб 58 %га ўзгарганлигини кўриш мумкин. Буни биз қўйидаги жадвал маълумотлари орқали батағсил кўриб чиқамиз.

2-жадвал

Микрокредит ташкилотлари жамланма баланси

Кўрсаткичлар номи	01/05/2021		01/05/2022		Ўзгариши, фоизда
	млн. сўм	улуши, фоизда	млн. сўм	улуши, фоизда	
Активлар					
Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари	7 599	0,8 %	10 896	0,7 %	43,4 %
Банклардаги маблағлар	23 638	2,5 %	21 800	1,4 %	-7,8 %
Кредитлар ва микролизинг (соғ)	836 098	86,8 %	1 364 590	89,8 %	63,2 %
Асосий воситалар (соғ)	27 535	2,9 %	39 344	2,6 %	42,9 %
Ҳисобланган фоизлар	45 277	4,7 %	46 800	3,1 %	3,4 %
Бошқа активлар	23 233	2,4 %	36 461	2,4 %	56,9 %
Жами активлар	963 380	100,0 %	1 519 890	100,0 %	57,8 %
Мажбуриятлар					
Тўланиши лозим бўлган кредитлар (қарзлар) ва лизинглар	381 587	91,6 %	710 963	94,8 %	86,3 %
Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	12 026	2,9 %	14 621	2,0 %	21,6 %
Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	1 945	0,5 %	2 298	0,3 %	18,1 %
Бошқа мажбуриятлар	21 144	5,1 %	21 706	2,9 %	2,7 %
Жами мажбуриятлар	416 703	100,0 %	749 589	100,0 %	79,9 %

www.cbu.uz. Марказий банк расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики, микрокредит ташкилотларининг активлари ўзгариши 2021 йилдаги маълумот-

лар 2022 йилдагига нисбатан солиширилганда, шуни кўришимиз мумкинки, масалан, кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатла-

ри ўзгариши 43,4 %га, кредитлар ва микролизинг улуши 2021 йил 1 май ҳолатида 86,8 % бўлган бўлса, 2022 йил 1 май ҳолатида 63,2 %ни ташкил этган.

Умуман олганда, нобанк кредит ташкилотларининг фаолиятини янада яхшилаш ва бу орқали республикамизда микромолиявий хизматлар сифатини ошириш учун саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтилган ислоҳотларнинг амалга оширилиши келгусида нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, нобанк кредит ташкилотларига таъқиқланадиган фаолиятлари назоратини олиб бориш ҳам улар фаолиятининг қонуний ишлашига замин яратади. Ҳар қандай соҳанинг олиб борилишида хуқуқий асосларнинг мустаҳкамлиги муҳим ҳисобланади ва бу, албатта, меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниш чора-тадбирларига боғлиқ ҳисобланади.

Хуласа ва тақлифлар. Умуман олганда, микрокредит ташкилотлари фаолияти бугунги кунда яхши ишламоқда. Шундай бўлса-да, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш борасида бир қанча вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан республикада фаолият юритаётган нобанк кредит ташкилотлари, хусусан, микрокредит ташкилотлари ҳамда ломбардлар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, улар фаолиятининг меъёрий-хуқуқий базаси янада такомиллаштирилиши нобанк кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлиги ва фаолияти кўламини кенгайтиришга мустаҳкам замин яратмоқда.

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш соҳасидаги амалга оширилган ислоҳотлар ва қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига қарамасдан, ўзбошимчалик билан хусусий мулк хуқуқини поймол қилиш, айрим мансабдор шахсларнинг адолатсиз ва асоссиз важлар билан кўчмас мол-мулкка аралашув ҳолатлари сўнгги йилларда кўп кузатилмоқда. Бу эса кўплаб низоли ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Халқ вакилларининг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хусусий мулк дахлсизлигига, айрим мансабдор шахсларнинг асоссиз важлар билан кўчмас мол-мулкка аралашув ҳолатларининг олдини олишга хизмат қиласди. “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида”ги

Ўзбекистон Республикаси қонуни кучга кирди ва албатта, бу муаммоларга ечим топилади, деган фикрдамиз. Ушбу қонунга кўра, микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотлари ўзида мавжуд бўлган кредит ахборотини кредит бюороларига ва Кредит ахборотининг давлат реестрига кредит ахбороти алмашиниви тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тақдим этиши шарт. Шу билан бирга, қонунда микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотидан тўлов ташкилотининг фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси чақириб олинганлиги унинг микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан чиқарилиши учун асос бўлади, бундан унинг микромолия ташкилоти сифатида қайта рўйхатдан ўтиши ҳоллари мустасно эканлиги, тўлов ташкилотининг юқори бошқарув органи томонидан микромолия ташкилоти сифатида фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, мазкур ташкилот: лицензия чақириб олинган кундан эътиборан ўн кун ичида бу ҳақда Марказий банкни хабардор қилиши; микромолия ташкилоти сифатида қайта рўйхатдан ўтиши ва Марказий банкка бу ҳақда лицензия чақириб олинган кундан эътиборан қирқ беш кун ичида маълумотлар тақдим этиши шартлиги таъкидланган [2].

Шуни таъкидлаш лозимки, жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, тегишлича яқин қариндошлари ҳамда уларга алоқадор шахслар билан биргаликда ҳаракат қилувчи жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бир ёки бир нечта битим натижасида нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўн фоизни ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушкини бевосита ёки билвосита олгунига қадар Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

Нобанк кредит ташкилотининг устав капитали Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида шакллантирилади ва фақат нобанк кредит ташкилотининг муассислари (иштирокчилари, акциядорлари) томонидан киритилган пул маблағларидан ташкил топади. Қонун ҳужжатига кўра, микрокредит ташкилотларининг устав капитали икки миллиард сўмни ташкил этади.

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашда салмоқли ўрин эгаллаб келаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни яна-

да жадал ривожлантиришда нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Нобанк кредит ташкилотларининг қончилик асосида самарали фаолият олиб бориши учун уларнинг банклар билан ҳамкорликда фаолият юритишлари бўйича мавжуд муаммолар етарлича ўрганиб чиқилиши лозим. Энг асосийси, бу ташкилотларнинг ҳаётлигини, ўз маблағларини вақтида қайтариб олиш ва у бўйича даромад ишлаш ҳамда барқарор фаолият юритишини таъминлашдир. Бундай тузилмаларнинг яратилиши қўпсонли кичик ишлаб чиқаришларни кўллаб-қувватлаш ва даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишга аҳоли кенг қатламини жалб қилишга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, микрокредит ташкилотларини ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш:

бириңчидан, микромолиялаш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солувчи ягона ҳуқуқий базанинг шаклланишига эришишга;

иккинчидан, микромолиявий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар маблағларидан фойдаланиш имконини янада такомиллаштиришга;

учинчидан, аҳолининг кенг қатламларига микромолиявий хизматлар кўрсатишга ихтисослашган микромолиявий ташкилотлар тузиш ва фаолиятини ривожлантиришга;

тўртингчидан, микрокредит ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш лозим, бу ерда уларнинг капитал базасини мустаҳкамлаш ва доимий ликвидлигини таъминлаш масалаларига эътибор кучайтирилишига эришилади.

Умуман олганда, микромолия ташкилотлари хизматлар кўрсатаётганда, истеъмолчиларга (мижозларга) нисбатан ҳалоллик, шаффоффлик, ўзаро ҳурмат ва холислик принципларига риоя этиши керак. Шунингдек, микромолия ташкилотлари хизматлар кўрсатишнинг қонун талабларига мувофиқ ўzlари ишлаб чиқсан қоидаларига биноан хизматлар кўрсатади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Марказий банк тўғрисида"ги ЎРҚ-582-сонли қонуни. 2019 йил 11 ноябрь. www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида"ги ЎРҚ-765-сонли қонуни. 2022 йил 20 апрель. www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги ЎРҚ-53-сонли қонуни. 2006 йил 20 сентябрь. www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4400-сонли "Микромолиявий хизматлар оммаболигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. 2019 йил 23 июль. www.lex.uz.
5. Банки и небанковские кредитные организации и их операции. Учебник. / Под. ред. Е.Ф.Жукова. – М.: Вузовский учебник, 2005. – 491 с.
6. Bank ishi. Darslik. / T.U.Azizov, T.Karaliyev, T.Bobakulov, Sh.Abdullayeva, Z.Xolmaxmadov, O.Ortiqov, D.Saidov, U.Ortiqov, O.Sattarov, I.Qulliyev, I.Raxmanov, A.Ismoilov. – Т.: Iqtisod-moliya, 2015-у. – 622 bet.
7. Лаврушин О.И., Валенцева Н.И., Азизов У.У., Карабаев Т.М., Кадиров Э.Т. [и др.] Банковское дело. Учебник. II часть. / Под ред. О.И.Лаврушина. – Т.: Iqtisod-moliya, 2019. – 704 с.
8. Деньги, кредит, банки. Учебник. / Под общ. ред. М.С.Марамыгина, Е.Н.Прокофьевой. – Екатеринбург: Изд-во Урал.ун-та, 2019. – 384 с.
9. Дворецкая А.Е. Деньги, кредит, банки. Учебник для вузов. / А.Е.Дворецкая. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2020. – 472 с. (Высшее образование). ISBN 978-5-534-05109-4.
10. Урманова Н.Р. Перспективы развития микрофинансирования в Узбекистане. УДК-336.77 (575.1). Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. 2012 г.
11. Рахманов И.Х. Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматларни такомиллаштириш ўйлари. Номзодлик диссертацияси. 2012 йил. D 005.25.01.
12. Мадумаров Т.Т. Микрокредит ташкилотларини қайта ташкил этиши ва тугатиш асослари ва тартиби. Илмий мақола. // Юрист ахборотномаси. Ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнал. ISSN 2181-9416. 1-сон. 2021 йил 15 марта.
13. www.cbu.uz. – Марказий банк расмий сайти.
14. www.regulation.gov.uz. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳалари мухокамаси портали.
15. Kalonov M.B. "Regulation and incentive mechanism for foreign investors in Uzbekistan." Proceedings of the VI International Scientific and Practical Conference Social and Economic Aspects of Education in Modern Society. Warsaw. 2018.